O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 12 июль ШАНБА
№ 54 (12.065)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади
www.th.uz

2008 йил – Ёшлар йили

## «КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?»

**АБИТУРИЕНТ йигит-қизларимиз мустақил ҳаётга қадам қўйиш олдидан албатта шу савол теварагида бир тўхтамга келадилар. Шунингдек, ўзлари танлаган мутахассислик бўйича таҳсил олиш учун ҳужжат топширадилар. Бугун Тошкент Давлат аграр университети ҳам республикамизнинг олис-яқин ҳудудларидан келган илмга чанқоқ ёшлар билан гавжум.**

– Президентимизнинг шу йил май ойида қабул қилган "2008/2009 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги Қарорига асосан барча ташкилий чора-тадбирлар кўрилди, – дейди Тошкент Давлат аграр университети қабул комиссиясининг масъул котиби Улуғбек Бамаев. – Хусусан, даъвогарлар ҳар бир соҳа йўналишига доир маълумотларни тўла олаётирлар. Айни пайтда бевосита мулоқот учун йўналиш мутахассислари бириктириб қўйилган. Бир вақтнинг ўзида 100 абитуриент ўрнига эга махсус жойлар ташкил этилган. Бу ерда йигит-қизларимиз ариза намуналари ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлар билан танишадилар. Қолаверса, ота-оналар қабул жараёни хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишлари учун қайднома дафтари ҳам очилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ёшлар йили давлат дастури ижросини таъминлаш, мақсадли ва сифатли таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлар бўйича давлатимизнинг реал иқтисодий, ижтимоий соҳалари учун зарур миқдорда олий маълумотли кадрлар тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда қабул квоталари белгиланган. Яъни, бу йилги қабул квоталарида олий ўқув юртлари кундузги бўлимларида бакалаврлар тайёрлаш учун 58 мингта ўрин ажратилган бўлиб, бу ўтган йилдагига нисбатан 6396 та кўп. Шулардан 19 минг 345 таси давлат грантлари, 38 минг 55 таси эса, тўлов-шартнома асосидадир.

Хусусан, мазкур университет бўйича, 2008-2009 ўқув йили учун 17 та таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича жами 1445 нафар талаба қабул қилиш белгиланган. Бу – ўтган йилдагига нисбатан 230 та кўп. Шу йил 9 июль ҳолатига оладиган бўлсак, абитуриентлардан 861 та ариза тушди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг жадаллашуви туфайли аграр соҳа мутахассислигини эгаллаш иштиёқидаги талабгорлар сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ҳамда агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича), зоотехник (тармоқлар бўйича) таълим йўналишларига қизиқиш тобора кучайиб бораётганлигида кўриш мумкин.

**Саид ҲАСАНОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** Тошкент Давлат аграр университетида абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилиш лаҳзалари.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**








## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

**2008 ЙИЛ мамлакатимиз учун ҳаётнинг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида муҳим воқеаларга бой бўлди. Жорий йил бошидан давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид иккита тарихий фармон кучга кирди. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармони Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган барча кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётганининг яна бир муҳим далили бўлди.**

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан мониторинг тартибида ўтказилган ижтимоий сўров Ўзбекистон фуқароларининг халқимизнинг ўзи танлаган демократия ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга содиқлигининг ифодаси бўлган ушбу асосий ҳужжатларнинг амалга оширилишига қандай муносабатда эканини аниқлашга бағишланди. Навбатдаги сўровда республикамизнинг барча ҳудудларида яшовчи турли ёшдаги ва маълумотга эга шаҳар ҳамда қишлоқ аҳли, эркаклар ва хотин-қизлар иштирок этди.

Сўров натижалари Ўзбекистон фуқаролари яшаш жойи, гендер ва миллий мансублигидан қатъи назар, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги фармонини тўлиқ маъқуллаши ва қўллаб-қувватлашидан далолат беради (сўралганларнинг 92,8 фоизи). Бу Президентимизнинг, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасидаги ижтимоий йўналтирилган ва инсонпарвар сиёсати аҳолининг барча қатламлари томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганининг яна бир тасдиғидир. Шу билан бирга, жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ушбу ижтимоий сўров фуқаролар онгу шуурида жиноий жазо тизимини Ўзбекистонни демократик ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида босқичма-босқич такомиллаштириш зарур, деган тушунча мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатди. Масалан, "Олий жазо чораси сифатида ўлим жазосини бекор қилиш мамлакатимизда жиноятчиликнинг ўсишини тўхтатишга ёрдам берадими?" деган саволга сўровда қатнашганларнинг ҳар иккинчиси қониқарли жавоб берди (ўтган йилларда бу кўрсаткич учдан бир қисмдан ҳам камроқни ташкил этганди).

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2005 йил 8 августда қабул қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармони ҳам аҳоли томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Сўров иштирокчиларининг фикрича, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи аввалгидек прокуратура органларига эмас, судларга тегишли бўлганда жиноий-ижро амалиётига халқаро эътироф этилган "habeas corpus" институтини жорий этиш шахснинг асосий ҳуқуқлари – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган шахсий дахлсизлик ва эркинликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини сезиларли равишда мустаҳкамлаш имконини берди.

Сўров натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти (90,3 фоизи) Юртбошимизнинг ушбу қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватламоқда. Жамоатчилик фикри мазкур ҳуқуқий норманинг кучга кириши инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаши ва кафолатлаши, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хатти-ҳаракатларини суд томонидан самарали назорат қилиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқларининг суд томонидан ишончли ҳимоя қилинишини тасдиқлайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қўшилган илк халқаро ҳуқуқий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси экани ҳам катта маънога эга. Президент Ислом Каримовнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармони шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва қонуний чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган. Шу билан Ўзбекистон бутун дунёга инсон ҳуқуқларини таъминлаш мамлакатимизда юритилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишини ташкил этишини яна бир бор намоён қилди.

Ўтказилган сўров фуқароларимизнинг кўпчилиги (97,2 фоизи) давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ушбу муҳим ҳужжатдан хабардор эканини кўрсатди. Ҳужжат билан тасдиқланган дастурда мамлакатимиз аҳолисининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мазмун-моҳияти ҳақида хабардорлигини ошириш бўйича кўплаб маънавий ҳамда маърифий тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Сўров натижалари ҳам уларни ўз вақтида ўтказиш лозимлиги ва долзарблигидан далолат беради: бугунги кунда декларация мазмун-моҳияти билан фуқароларнинг 51,6 фоизи танишган.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича мазкур ижтимоий сўров яна шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда аксарият фуқаролар давлатимиз раҳбари томонидан суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга доир чора-тадбирларни қизғин маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди. Уларнинг фикрича, ушбу чора-тадбирлар яшаш ҳуқуқи ва шахсий дахлсизлик йўлида конституциявий ҳуқуқни ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Умуман, ижтимоий тадқиқот натижалари мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар аҳоли томонидан астойдил қўллаб-қувватланаётганидан далолатдир.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А. ИВАНОВА тайёрлади.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримовнинг яқинда нашрдан чиққан "Юксак маънавият – енгилмас куч" китоби мамлакатимиз жамоатчилиги, кенг китобхонлар ўртасида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.**

Одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлган маънавиятнинг маъно-мазмуни ва у билан боғлиқ ҳаётий масалалар ҳар томонлама кенг таҳлил этиб берилган ушбу асар ўртага қўйилган мавзуларнинг долзарблиги, назарий ва амалий томондан ғоятда муҳим концептуал фикр ва хулосаларга бойлиги, мушоҳада қамрови билан кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида 9 июль куни ушбу китобни ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ва мазкур академия томонидан ташкил этилган тадбирда таниқли олимлар, файласуф ва сиёсатшунослар, ижодкор зиёлилар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Бевосита мулоқот ва самимий фикр алмашиш руҳида ўтган анжуманда бугунги шиддатли глобаллашув даврида бу китоб беқиёс аҳамиятга эга экани, унинг саҳифаларида миллий ўзлигимизни асраш, кўҳна қадрият ва анъаналаримизни, халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг қалби ва онгини турли зарарли таъсирлардан сақлаш, маънавият соҳасидаги турли таҳдидларга ҳар томонлама тайёр туриш каби ниҳоятда ўткир масалаларнинг моҳияти чуқур очиб берилгани таъкидланди. Маънавий-маърифий тарбия жараёнида бу китобдан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар белгилаб олинди. Жойларда ушбу асарни ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича амалий ишлар режаси, зарур услубий тавсияларни ишлаб чиқиш масалаларига эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

## ДАВРА СУҲБАТИ

**ФУҚАРОЛИК жамиятини ўрганиш институтида "Мустақиллик йилларида хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Мазкур институт ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Бош прокуратура, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда имзоланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони юртимизда демократик қадриятларнинг янада мустаҳкам қарор топиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини изчил таъминлашда яна бир муҳим қадам бўлганлиги алоҳида таъкидланди.

**ЎзА.**

Қонун ва ижро

**ОЛМАЛИҚ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик коллежида юз берган воқеа кишини таажжублантиради. Шаҳар прокуратураси текшириш ўтказиб, бу жиноятни аниқламаганида ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиб кетаверарди.**

## БОЛАГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ғап шундаки, коллеж раҳбарлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўн ўқувчининг кийим-кечаклари ва озиқ-овқати учун ажратилган 2,4 миллион сўм моддий ёрдам маблағини беришмаган. Болаларнинг ҳуқуқлари поймол этилганлиги бўйича Жиноят Кодексининг 207-моддаси 1-қисми бўйича жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки тергов ҳаракатлари бошлангач, эгрикўл мансабдор шахслардан етказилган моддий зарар тўлиқ ундирилиб, ҳар қандай жиноят учун жазо муқаррарлиги таъминланди.

Вояга етмаганларга оид қонунчиликни мустаҳкамлаш, улар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати самарадорлигини оширишга қаратилган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Фақат биринчи ярим йилнинг ўзида вояга етмаганлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, 225 та текшириш ўтказилди. Бу жараёнларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун 412 та тақдимнома киритилди.

(Давоми 2-бетда).

## СОҒЛИҒИМИЗНИ АСРАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

### Санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш юқумли касалликлардан ҳимояланишнинг оддий ва ишончли кафолатидир

Саломатлик – туман бойлик, Тан саломатлиги – жон роҳати. Соғлик-саломатлик ҳақида гап борганда, халқимизнинг бу каби ҳикматларини яна кўплаб келтириш мумкин. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, халқимиз турмуш шароитини яхшилашга қаратилган изчил чора-тадбирлар тизимида соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш алоҳида ўрин тутади.

Юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Аҳолига бепул шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғининг ташкил этилиши бу босқичнинг самарали натижаларидан бўлди. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди – замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти бунёд этилди.

Юртимизда янги ташкил этилган соғлиқни сақлаш тизимида энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар муҳим ўрин тутади. Шуниси эътиборлики, бугун Ўзбекистонда чечак ва ич терлама, ўлат ва вабо каби юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди. Ўтган давр мобайнида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли равишда ортганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Шу билан бирга, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, оддий, аммо муҳим бир ҳақиқатни – одамзотнинг соғлиғи кўп жиҳатдан, авваламбор, унинг ўзига боғлиқ эканини унутмаслик лозим. Бунинг учун инсон ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши зарур. Зеро, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш, аввало, соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданиятини талаб қилиши табиийдир. Бошқача айтганда, давлат, ҳокимият идоралари, соғлиқни сақлаш муассасалари бу масалага қанчалик эътибор бермасин, ҳар қайси одамнинг бу масала бўйича қарашини ўзгартирмасдан туриб, ижобий натижаларга эришиш мушкул.

(Давоми 2-бетда).

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида "Мафтункор ранглар дунёси" республика болалар бадиий кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.**

## РАНГЛАРНИНГ МАФТУНКОР ДУНЁСИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, "Sen Yolg'iz emassan", "Соғлом авлод учун", Болалар жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадиий академия, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, "Ёнграг" халқаро хайрия жамғармаси (Жанубий Корея) ҳамкорлигида ушбу ижодий танловни ҳар йили мустақиллик байрами арафасида ўтказиш яхши анъанага айланган.

Танловнинг бу йилги пойтахт вилояти босқичида эллик нафарга яқин ўғил-қиз ўз ижодий ишлари билан иштирок этди.

Танловда биринчи ўрин бекободлик ўн уч ёшли Фарруҳ Жўраевга насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларга ўртачирчиқлик ўн ёшли Николай Хван, беш ёшли Дилбар Равшанова сазовор бўлди. Ғолиблар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

